

Ҳаракатлар стратегияси сиёсий барқарорлик ва барқарор иқтисодий ўсишнинг омили

ТМИ, “Банк иши” кафедраси доценти, и.ф.н. И.Я.Қуллиев

Мустақилликни эришган мамлакат учун энг бош масала миллий давлатчилик пойдеворини барпо қилиш ва мустақилликнинг сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий асосларини яратиш ҳисобланади. Ушбу масалага барча мамлакатлар турли даврларда дуч келишган. Айниқса, аниқ бир ривожланишнинг моделини яратиш ёки яратилган моделларнинг қайси биридан фойдаланиш масаласи долзарб ҳисобланади. Шу жиҳатдан Ўзбекистон Республикаси олдида аниқ мақсадга эга бўлган ва илмий асосланган тараққиёт йўлини танлаб олиш заруратини келтириб чиқарди.


Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.А.Каримов томонидан яратилган ўзбек модели ҳам дунё давлатлари томонидан тан олинган ва бугунги кунда жаҳон ҳамжамияти томонидан юқори баҳоланган тараққиёт моделларидан бири ҳисобланади.

Биз ҳаракатлар стратегияси номли мақолани ёзиб, нега “Ўзбек модели” ҳақида ёзилмоқда дея ўйлаётганлар ҳам бўлиши мумкин. Фикримизча, Ўзбекистон Республикаси ҳаракатлар стратегияси “Ўзбек модели” нинг мантиқий давоми бўлиб, 2017-2021 йилларда мамлакатимиз тараққиётининг юқори босқичларини белгилаб беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли фармони 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида барча соҳаларни стратегик ривожлантириш йўналишларини қамраб олган ҳужжат бўлиб хизмат қилади.

Мазкур фармонга асосан 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш бўйича Миллий комиссияси ташкил этилди ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Миллий комиссия раҳбари этиб белгиланди.

Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда ривожланишининг 5 та устувор йўналиши белгилаб олинди.Энди ушбу ҳаракатлар стратегиясининг устувор йўналишлари хусусида тўхталиб ўтишни жоиз деб топдик.



Давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари. Мазкур устувор йўналишга асосан, Ўзбекистон Республикасида демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизация қилишда Олий Мажлис, сиёсий партияларнинг


ролини янада ошириш вазифаси белгиланди. Шунингдек, қабул қилинаётган қонунларнинг амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва суд-ҳуқуқ ислохотлари жараёнига таъсирини кучайтиришга йўналтирган ҳолда қонун ижодкорлиги фаолияти сифатини тубдан ошириш ва сиёсий тизимни ривожлантириш каби муҳим ва йўналишлар белгиланди.

Ўзбекистон Республикасида давлат бошқаруви тизимини ислоҳ қилиш орқали давлат бошқарувини ислоҳ қилиш ва энг муҳими иқтисодиётни тартибга солишда давлат иштирокини босқичма-босқич қисқартириш орқали давлат бошқаруви ва давлат хизмати тизимини ислоҳ қилиш бугунги кунда ўз ечимини кутаётган долзарб масала ҳисобланади. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида давлат иштирокини босқичма-босқич қисқартириш иқтисодиётнинг бозор қонунлари асосида эркин бошқаришга замин яратади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасида «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш орқали маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг тузилмасини такомиллаштириш ва қабул қилинган қонун ҳужжатлари ижросини таъминлаш борасидаги ваколатларини аниқлаштириш ҳамда вилоят, туман, шаҳар ҳокимларининг ва бошқа мансабдор шахсларнинг ўз фаолияти юзасидан тегишли ҳудуддаги аҳоли олдида ҳисобот бериш ва ҳисоботга оид маълумотларни оммавий ахборот воситаларида ёритиб бориш тартибини жорий этиш белгиланди.

Республикамызда давлат мулкidan самарали фойдаланишда бошқарувнинг энг замонавий турларини жорий этишга қаратилган Ўзбекистон Республикасининг «Давлат мулкани бошқариш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш орқали эса, давлат мулкidan самарали фойдаланишда бошқарувнинг энг замонавий турларини жорий этиш ва давлат унитар корхоналарини бошқаришга бизнес бошқарув усулларининг энг илғор шаклларини жорий этиш масалаларини ўз ичига олган қонун ҳужжати ишлаб чиқилади.

2018-2020 йилларда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти самарадорлигини янада ошириш ва ривожлантириш Дастурини ишлаб чиқиш «Маҳалла» жамғармаси тузилмаси ва фаолиятини янада такомиллаштириш асосида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ваколатларини амалга ошириш механизмларини тартибга солиш ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари моддий-техника базасини яхшилаш чора-тадбирлари амалга оширилади.



Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, суднинг нуфузини ошириш, суд тизимини демократлаштириш ва такомиллаштириш, судьялар ва суд аппарати

ходимларининг мавқеини, моддий рағбатлантириш ва ижтимоий таъминот даражасини ошириш, судларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, «Хабеас корпус» институтини қўллаш соҳасини кенгайтириш, тергов устидан суд назоратини кучайтириш ва судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш масалаларини қамраб олган. Ушбу бўлимда Судларни янада ихтисослаштириш, суд аппаратини мустаҳкамлаш, хўжалик судлари тизимида минтақавий апелляция судларини ташкил этиш ва фуқаролик, жиноят ишлари бўйича судлар ва хўжалик судларининг ваколатларини қайта кўриб чиқиш йўли билан маъмурий судларни ташкил этиш вазифалари белгиланди.

Ўзбекистон Республикасида «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасига асосан:

- * мурожаатларни қабул қилиш ва кўриб чиқишнинг интерактив усулларини кенгайтириш;

- * мурожаатларни кўриб чиқиш натижаларини нашр этиб бориш;

- * такрорий мурожаатларни кўриб чиқиш ва ҳал этиш, фуқароларни сайёр қабул қилиш хусусиятлари;

- * видеоконференцалоқа ёрдамида фуқароларни масофавий қабул қилишни ташкил этиш;

- * «Халқ қабулхонаси» институтининг умумий қоидаларини белгилаш;

- * «Ишонч телефонлари» орқали мурожаатни қабул қилиш, кўриб чиқишнинг ҳуқуқий асосларини шакллантирилиши белгиланди.

Фуқароларнинг хусусий мулк ҳуқуқи кафолатларини мустаҳкамлаш йўли билан жиноят қуроли ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик предмети сифатида мулкдан фойдаланишда мулкдорнинг айби бўлмаган ҳолларда мулкни олиб қўйиш ва мусодара қилишни тақиқлаш ва Ўзбекистон Республикасининг резидентлари томонидан қиймати энг кам ойлик иш ҳақи 2 минг бараваридан кам бўлмаган, норезидентлар томонидан қиймати 100 минг доллардан кам бўлмаган янги қурилган кўчмас мулкни Тошкент шаҳри ва вилоятида сотиб олганлик учун 5-10 фоиз миқдорда давлат божи тўлаган ҳолда, кўчмас мулкни эркин сотиб олиш ва эгалик қилиш каби тартибнинг жорий этилиши хусусий мулк ҳуқуқи кафолатларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.


Ўзбекистон Республикасида «Ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасида назарда тутилган ҳолатлар:

- a. норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тарқатишнинг амалий ташкилий-ҳуқуқий механизмлари;

- b. ҳуқуқий ахборотни тарқатишга масъул бўлган давлат органлари ва уларнинг ваколатлари;

- c. норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинганидан сўнг уларнинг фойдаланувчига етказиш босқичлари;

- d. қабул қилинган қонун ва қонуности ҳужжатларининг концепциялари, тушунтириш хатларини эълон қилиш тартиби ва бошқалар.



Ўзбекистон Республикасининг макроиқтисодий кўрсаткичлари, айниқса, валюта бозори ҳолати устидан тизимли мониторингни амалга ошириш, зарурият туғилганда, миллий валюта ва ички бозордаги нархларнинг барқарорлигини ошириш, макроиқтисодий мувозанатни сақлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлашга йўналтирилган қонунчиликни такомиллаштириш асосида миллий валютанинг ва ички бозордаги нархларнинг барқарорлигини таъминлаш.

Банк-молия тизимини ислоҳ қилиш борасидаги қуйидаги чора-тадбирларни амалга оширилиши муҳим аҳамият касб этади:


- Давлат маблағлари ҳақидаги маълумотларнинг шаффофлигини таъминлашга ва Марказий банк пул-кредит сиёсати воситаларини янада такомиллаштириш ҳамда уларнинг самарадорлигини оширишга, нақд пул муомаласи механизмларини такомиллаштиришга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш;
- Халқаро талаблар асосида банк фаолиятини тартибга солувчи замонавий тамойил ва механизмларни жорий қилиш;
- Тижорат банкларида нақдсиз ҳисоб-китоблар ҳажми ва қамровини ошириш, шу жумладан, иқтисодиёт соҳаларида тўловларнинг замонавий электрон шакллари жорий этиш ва тадбиркорлик субъектларини рағбатлантириш, шунингдек, банкдан ташқари айланишини қисқартириш;
- Тижорат банклари кассаларига нақд пул тушумларини рағбатлантириш механизмларини такомиллаштириш;
- Банкларда кредиторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни кучайтириш мақсадида қуйидаги тартибларни белгилаш;
- Капитални жалб қилиш ҳамда корхоналар, молиявий институтлар ва аҳолининг эркин маблағларини жойлаштиришнинг муқобил манбаи сифатида молия бозорини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон Республикаси молия бозорини ўрта муддатли ва узоқ муддатли истиқболда ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш;
- Республика бюджет харажатларини янада оптималлаштириш, шаҳарлар ва туманларнинг субвенцияланишини камайтириш, фискал номарказлаштириш жараёнларини чуқурлаштиришга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш;
- Солиқ маъмуриятчилиги сифати ва самарадорлигини яхшилаш, тадбиркорликни ривожлантиришга қўмаклашиш мақсадида солиққа тортишни такомиллаштириш;
- Имтиёзларнинг индивидуал тартибда берилишига йўл қўймаслик мақсадида уларни мақбуллаштиришни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш.

Халқаро иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш, шунингдек, етакчи халқаро ва чет эл молиявий институтлари билан алоқаларни кенгайтириш орқали:

1. Халқаро молиявий институтлар пул маблағларини жалб қилиш орқали молиялаштириладиган инвестициявий лойиҳаларни ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш.

2. Ислом тараққиёт банкининг 1,0 млрд. долл.дан кам бўлмаган миқдорда кредитларини жалб қилишни кўзда тутадиган инвестициявий лойиҳаларни амалга ошириш масаласини ишлаб чиқиш орқали 2017-2019 йиллар давомида Ўзбекистон Республикаси ва Ислом тараққиёт банки ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш.

3. Устувор ижтимоий-иқтисодий, инфраструктура ва бошқа лойиҳаларни амалга оширишга қаратилган чет эл ҳукумат ташкилотларининг (Хитой экспорт-импорт банки, Корея экспорт-импорт банки, EDCF Фонди, Япон халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA), Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA), Германия халқаро ҳамкорлик жамияти (GIZ), Швейцария тараққиёт ва ҳамкорлик агентлиги (ШТХА), Франция тараққиёт агентлиги (ФТА), Европа ҳамкорлик комиссиялари ва ҳоказо) имтиёзли кредит ҳамда грант маблағларини жалб қилиш бўйича тизимли ишларни олиб бориш.



1-расм. Ўзбекистон Республикасига 2017-2020 йилларда етакчи халқаро ва чет эл молиявий институтлари томонидан жалб қилиниши режалаштирилган инвестициялар ҳажми

Республикаимиз иқтисодиётига 2016-2020 йиллар давомида 27 та лойиҳани амалга ошириш учун Жаҳон банкининг 3,0 млрд АҚШ доллари ҳажмидаги кредитларини жалб қилиш ва 2017-2019 йиллар давомида 20 та

лойиҳани амалга ошириш учун Осиё тараққиёт банкининг 2,97 млрд АҚШ доллари ҳажмидаги кредитларини жалб этиш режалаштирилгани қувонарли ҳол ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида минерал-хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш бўйича умумий қиймати қарийб 40 млрд. долларга тенг бўлган 649 та инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни кўзда тутувчи тармоқ дастурларини амалга оширилиши белгиланган.

1-жадвал

2017 йилда Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти соҳа ва тармоқларига кесимида инвестициялар киритиш режаси

№	Соҳа ва тармоқлар	Лойиҳалар сони	Лойиҳа ҳажми (млн.доллар)
1.	Мева-сабзавот ва гўшт-сут маҳсулотларини қайта ишлаш соҳаси	63	147
2.	Рангли ва қимматбаҳо металлларни чуқур қайта ишлаш	6	217
3.	Кимёвий хом ашёларни чуқур қайта ишлаш соҳаси	2	25
4.	Углеводород хом ашёларини қайта ишлашни чуқурлаштириш соҳаси	6	342
5.	Тайёр чарм-пойабзал маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш бўйича	9	6
6.	Фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқариш	7	24
7.	Қурилиш материаллари ишлаб чиқариш	29	151
8.	Тайёр тўқимачилик ва тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш	15	178
	ЖАМИ	137	1090

Республикаимиз иқтисодиётига 2017 йилда умумий қиймати 1,0 млрд. Доллардан ортиқ 145 та ишлаб чиқариш қувватларини фойдаланишга топшириш, шу жумладан:

мева-сабзавот ва гўшт-сут маҳсулотларини қайта ишлаш соҳасида 147 млн. долларлик 63 та лойиҳа;

рангли ва қимматбаҳо металлларни чуқур қайта ишлаш соҳасибўйича 217 млн. долларлик 6 та лойиҳа;

кимёвий хом ашёларни чуқур қайта ишлаш соҳаси бўйича 25 млн. долларлик 2 та лойиҳа;


углеводород хом ашёларини қайта ишлашни чуқурлаштириш соҳаси бўйича 342 млн. долларлик 6 та лойиҳа;

тайёр чарм-пойабзал маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш соҳаси бўйича 6 млн. долларлик 9 та лойиҳа;

фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳаси оширишга йўналтирилган 24 млн.долларлик 7 та лойиҳа;

қурилиш материаллари ишлаб чиқариш соҳаси янада кенгайтириш бўйича 151 млн. долларлик 29 та лойиҳа;


тайёр тўқимачилик ва тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳаси ошириш бўйича 178 млн. долларлик 15 та лойиҳа.



Ҳар қандай давлатнинг ҳал қилиши лозим бўлган ижтимоий-иқтисодий муаммоларидан бири ишсизлик муаммоси ҳисобланади. Ишсизлик муаммосини ҳал этиш борасида Аҳоли бандлигини таъминлаш дастурини сўзсиз амалга оширилишини таъминлаш лозим ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва Иқтисодиёт вазирликлари томонидан ишлаб чиқилган методика асосида меҳнат бозорида вазият мураккаб бўлган туман ва шаҳарлар рўйхатини аниқлаш, ушбу туманларда аҳоли бандлиги дастурларининг манзилли рўйхатлари, кичик саноат зоналари, хизматлар соҳасини ривожлантириш, чорвачилик, паррандачилик ва иссиқхона хўжаликларини барпо этиш, касб-ҳунар коллежлари ва олий ўқув юртлари битирувчилари учун янги «старт-ап» лойиҳаларини амалга оширишга микрокредитлар ва лизинг асосида ишлаб чиқариш воситаларини ажратиш орқали аҳолининг айниқса ёшларнинг бандлигини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади.


Иш ўринларини яратиш борасида 2017 йилда амалга оширилиши режалаштирилган лойиҳалар ва янги иш ўринлари сони қуйидаги диаграммада келтирилган.



1-диаграмма. Ўзбекистон Республикасида 2017 йилда оширилиши режалаштирилган лойиҳалар ва янги иш ўринлари сони (минг та).

Иш ўринларини яратиш борасида 2017 йил давомида саноат тармоқларида 5440 та лойиҳа ва шу асосда 131 мингта иш ўрни, қишлоқ хўжалигида 8430 лойиҳада 55,8 мингта иш ўрни ва хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида 11 мингта лойиҳа 69,5 мингта иш ўрни яратиш бўйича вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликларининг фаолиятини кучайтириш белгиланди.

Республикамизнинг айрим ишсизлик даражаси ва меҳнат бозорида талаб юқори бўлган чекка туманларидаги ҳолатни тубдан яхшилаш мақсадида, қуйидаги диаграммада келтирилган тадбирлар амалга оширилиши ҳаракатлар стратегиясида ўз аксини топди.



1-диаграмма. Ўзбекистон Республикаси ишсизлик даражаси юқори бўлган ва меҳнат бозорида вазият мураккаб бўлган туманларида янги иш ўринлари яратишнинг соҳалар кесимидаги салмоғи.

Республикамизнинг ишсизлик даражаси юқори бўлган ва меҳнат бозорида вазият мураккаб бўлган 34 та туманда 46,8 мингта иш ўрни ташкил этиш режалаштирилди. Жумладан: саноатда — 14 мингта; хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида — 8,7 мингта; қурилишда — 12,5 мингта; қишлоқ хўжалигида — 11,5 мингта иш ўринлари ташкил этилади ва бу аҳоли бандлигини таъминлашда муҳим амалий аҳамият касб этади.

Республика ҳудудларида аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда қўшимча даромад манбаини яратиш мақсадида тижорат банклари томонидан фуқароларнинг шахсий ёрдамчи хўжаликларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш, қорамол, қўй, эчки, қуён боқиш ва гўшт етиштириш, паррандачилик ва асаларичиликни ривожлантириш, ихчам иссиқхоналар ташкил этиш, шунингдек, уруғ ва кўчатлар учун микрокредитлар ажратиш ҳажмини янада оширишга берилган эътибор

натижасида 2017 йилнинг 1 чораги давомида тижорат банклари томонидан кенг кўламли кредитлаш амалиётлари амалга оширилди.

Аҳоли бандлиги ва реал даромадларини изчил ошириш мақсадида куйидаги тадбирларни амага оширилиши кўзда тутилган:

- ✓ аҳолининг реал пул даромадларини ва харид қобилиятини ошириш, кам таъминланган оилалар сонини ва аҳолининг даромадлари бўйича фарқланиш даражасини янада камайтириш;

- ✓ бюджет муассасалари ходимларининг иш ҳақи, пенсия, стипендия ва ижтимоий нафақалар ҳажмини инфляция суръатларидан юқори миқдорда изчил ошириш;

- ✓ янги иш ўринларини яратиш ҳамда аҳолининг, энг аввало, ўрта махсус ва олий ўқув муассасалари битирувчилари бандлигини таъминлаш, меҳнат бозори мутаносиблигини ва инфратузилмаси ривожланишини таъминлаш, ишсизлик даражасини камайтириш;

- ✓ меҳнатга лаёқатли аҳолининг меҳнат ва тадбиркорлик фаоллигини тўлиқ амалга ошириш учун шароитлар яратиш, иш кучи сифатини яхшилаш, ишга муҳтож шахсларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини кенгайтириш.

Ўзбекистон Республикасида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш учун:

аҳолига мажбурий ижтимоий кафолатларни таъминлаш ва аҳолига ижтимоий хизматлар кўрсатишда давлат-хусусий шериклигини ривожлантириш;

аҳолига тиббий ва ижтимоий-тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиги ҳамда сифатини оширишга, тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга йўналтирган ҳамда тез ва шошилишча тиббий ёрдам тизимини янада ислоҳ қилиш;

оналар ва болаларнинг сифатли тиббий хизматдан фойдаланишни кенгайтириш, чақалоклар ва болалар ўлимини камайтириш бўйича комплекс чора-тадбирларни янада кенгроқ амалга ошириш;

хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларни давлат ва жамият бошқарувидаги ўрнини кучайтириш, хотин-қизлар, касб-хунар коллежи битирувчи қизларининг бандлигини таъминлаш, уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш, оила асосларини янада мустаҳкамлаш;

фармацевтика саноатини янада ривожлантириш, аҳоли ва тиббиёт муассасаларининг арзон, сифатли дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминланишини яхшилаш, дори-дармонлар нархларининг асоссиз ўсишига йўл қўймаслик бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

Ушбу тадбирлар орқали мамлакатимизда аҳолининг кучли ижтимоий ҳимояси таъминланиб, уларнинг турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилади.



Қишлоқ жойларда янги намунавий лойиҳалар асосида 15000 та арзон уй-жой қуриш



Қишлоқ жойларда барпо этилаётган намунавий массивларга ичимлик суви (415,3 км),



Қишлоқ жойларда барпо этилаётган намунавий массивларга табиий газ (316,9 км) тармоқлари,



Қишлоқ жойларда барпо этилаётган намунавий массивларга ички йўллар (291 км)


1-расм. 2017-2021 йилларда Арзон уй-жойлар барпо этиш бўйича мақсадли дастурларни амалга ошириш муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш дастури

Республикаимизнинг турли ҳудудлари, чекка туманларида қишлоқ жойларида янги намунавий лойиҳалар асосида 15000 та арзон уй-жой қуриш ва қишлоқ жойларда барпо этилаётган намунавий массивларга 415,3 кмлик ичимлик суви, 291,5 км электр, табиий газ 316,9 км тармоқлари, ички йўллар 291 км ва бозор инфратузилмаси объектлари қуриш дастурга киритилган.

Энг муҳим масалалардан бири таълим ва фан соҳасида узлуксиз таълим тизimini янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, таълим муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш, уларни замонавий ўқув ва лаборатория асбоблари, компьютер техникаси ва ўқув-методик таъминлаш, мактабгача таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш ва ушбу муассасаларда болаларнинг ҳар томонлама интеллектуал, эстетик ва жисмоний ривожланиши учун шарт-шароитларни, болаларнинг мактабгача таълим билан қамраб олинишини жиддий ошириш ва фойдаланиш имкониятларини таъминлаш, педагог ва мутахассисларнинг малака даражасини ошириб бориш каби қатор вазифаларини амалга ошириш келажагамиз бўлган ёшларни комил инсон бўлиб тарбия топишларига хизмат қилади;

Республикаимизда ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш борасида ҳам қатор ислохотлар амалга оширилди. Жисмонан соғлом, руҳан ва ақлан ривожланган, мустақил фикрлайдиган, Ватанга содиқ, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга ёшларни тарбиялаш, демократик ислохотларни

чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш; ёшларни ижтимоий ҳимоя қилиш, ёш оилалар учун муносиб уй-жой ва ижтимоий-маиший шароитларни яратиш; ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, таълим муассасалари, ёшлар ва бошқа ташкилотларнинг самарали фаолиятини ташкил этиш орқали ватанга фидойи ёшларни тарбияланади.



Хавфсизлик, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни таъминлаш соҳасидаги устувор йўналишлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- ✓ Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузуми, суверенитети, ҳудудий яхлитлигини муҳофаза қилиш;
- ✓ ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва ахборотни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш, ахборот соҳасидаги таҳдидларга ўз вақтида ва муносиб қаршилик кўрсатиш;
- ✓ фуқаролик, миллатлараро ва конфессиялараро тинчлик ҳамда тотувликни мустаҳкамлаш;
- ✓ давлатнинг мудофаа қобилятини мустаҳкамлаш, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг жанговар қудрати ва салоҳиятини ошириш;
- ✓ атроф-табiiй муҳит, аҳоли саломатлиги ва генофондига зиён етказадиган экологик муаммоларни олдини олиш;
- ✓ фавқулодда вазиятларни олдини олиш ва бартараф этиш тизимини такомиллаштириш.

Ўзбекистон Республикасининг хорижий мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар билан фаолияти шартномавий-ҳуқуқий базасини инвентаризация қилиш ва танқидий таҳлилдан ўтказиш орқали ҳамкор давлатлар билан ўзаро алоқаларни янада мустаҳкамланади.

Ўзбекистон Республикасининг 2017-2020 йилларга мўлжалланган халқаро шартномавий фаолиятини такомиллаштиришга доир иш режаси асосида истиқболли ҳамда мамлакатимиз учун амалий аҳамиятга эга бўлган шартномалар ҳисобига мавжуд шартномавий-ҳуқуқий базани кенгайтириш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистоннинг хорижий шериклар билан 2017 йилдаги савдо-иқтисодий, инвестициявий, технологик ва молиявий-техник ҳамкорлигини тубдан ривожланиши ва кенгайтирилиши таъминлашга доир «Йўл харитаси» лойиҳасини ишлаб чиқиш белгиланди. Ушбу дастур режасининг тасдиғи сифатида 2017 йил 15 май куни Хитой пойтахти Пекин шаҳрида

Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев «Бир макон — бир йўл» халқаро форуми доирасида ўтказилган давра суҳбатидаги учрашувда нутқ сўзлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти ўз маърузасида «Бир макон — бир йўл» концепциясини аниқ дастур ва лойиҳалар билан тўлдириш муҳимлигини қайд этиб ўтди.

Ўзбекистон Республикасининг ҳар жиҳатдан барқарор ривожланиши ва иқтисодиётнинг барқарор ўсиши ҳамда банк-молия тизимининг барқарор фаолиятини таъминлашнинг муҳим манбаи бўлиб хизмат қилади.